

**“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти
юқори бошқарув органининг 16 -сонли қарори**

Тошкент шаҳри

2017 йил “24” апрел

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги ва мазкур Қонун ҳамда жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши белгиланган.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Давлат активларини бошқариш маркази (кейинги матнда ДАБМ) ҳисобланади.

ДАБМ ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари Ш.Н.Файзуллаев билан 2015 йил 31 декабрда тузилган Давлат улушини ишончли бошқарувга бериш бўйича 545-сонли шартномага асосан, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг юқори бошқарув органининг ваколатига кирадиган қуйидаги масала бўйича қарор Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг ўринбосари, Давлатнинг ишончли вакили Ш.Н.Файзуллаев томонидан қабул қилинади.

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.


Кун тартибидаги масала бўйича “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари А.С.Шукуров тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 декабрдаги “Угом-Чотқол Давлат миллий табиат боғини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги Р-4765-сонли фармониغا мувофиқ янгитдан ташкил этилган “Угам-Чотқол заказниги” унитар корхонаси “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ихтиёрига берилганлигини, шунингдек “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқарув раисининг ““Поп логистика маркази” унитар


корхонаси фаолиятини янада ривожлантириш” тўғрисидаги буйруғини
инобатга олиб, **Қарор қабул қилади:**

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг ташкилий
тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.


Акциядор-Давлат
активларини бошқариш
маркази вакили:
Давлатнинг ишончли вакили





Шокир Насибуллаевич
Файзуллаев



Структура исполнительного аппарата АО «Узбекистон темир йуллари»



Организационная структура АО «Узбекистон темир йуллари»



Примечание: В организационной структуре указаны предприятия со статусом юридического лица